

Юксак маънавиятимизнинг буюк сиймолари

проф. т.ф. Ахадов Ш. А. (СамДАҚИ)

Халқимиз тарихида ифода этилган маънавий маданиятимизда ўз салоҳияти ва ўрнига эга бўлган ўлкалардан бири Самарқанд ҳақида, Самарқанд шахри ҳақида турли – туман ривоятлар, эпослар, ҳикоялар ва хатто афсонавий ҳикматлар яратилган. Ана шундай ҳикматлардан бири “Самарқанд сайқалур руҳий замин аст...” каби кенг мазмунли фалсафий фикр асрлар оша халқ онгу – тафаккурида намоён бўлиб келмоқда. Бунинг учун манбавий асослар манбалар етарлича мавжуд, яъни Самарқанд ҳудудидан етишиб чиқсан буюк сиймолар ўтмишда кўп бўлган. Бу алломалар Самарқандни, Самарқанд шаҳрини, унинг забардаст халқини жаҳонга танитган, жаҳон цивилизациясида Самарқанднинг муносаб ўрнини, жаҳон маданияти ривожланишидаги ролига эга бўлишига сабабчи бўлганлар, халқимиз миллий маънавий мероси ва қадриятларининг шаклланиб жаҳон халқлари маданий бойлигига айланишига салоҳиятли фаолият кўрсатиб, салоҳиятли меросий маънавий бойлик яратиб кетганлар кўп бўлган. Бу маънавий – маданий бойликлардан ҳозирги замон ва келажак авлод намуна олиб, маънавий юксак баркамол комил инсон бўлиб вояга етишишлари учун қулай имкониятлар яратиб кетган фозил инсон, буюк даҳо, олийжаноб сиймолар кўп ўтган.

Куйида айрим буюк сиймолар ва уларнинг фаолияти, қолдириб кетган маънавий мерослари ҳақида қисман бўлсада фикр юритамиз.

Жумладан, ўлкамизда VIII – XIX асрлар мобайнида китобхонларга маълум бўлган 2700 дан зиёд олим – уламоларимиздан қарийб 60-70 фоизи Самарқанд ҳудудларида фаолият кўрсатиб, Ватанимиз заминида илму – фан тараққиёти, маънавий – маданий ва маърифий зиё нурларини тарқатган, ёш авлодга намуна бўлиб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини мунаvvар этган улуғ сиймолар бўлиб, улардан кўпчилиги ўз замонасининг қомусий билимдонлари сифатида халқимизга танилганлар.

Улардан, Холид ас – Самарқандий, Мухаммад ал – Абғарийлар бўлиб Самарқандга яқин қишлоқлардан иборат “Абғар” номли Тумандан бўлган улуғ зотлардир. Улар Сомонийлар даврида яшаб ижод қилиб, етук комил инсон даражасига етиб йирик олим ҳофизлик даражасига эришган сиймолар бўлган. Айниқса, Халид ас- Самарқандий “Қуръон”ни турли хил услубда ўқий олиш қобилиятига эга бўлиб, ҳофиз даражасига етган сиймолардан бири эди.

Юқорида номлари зикр қилинган буюк сиймолар қатори Самарақанд ноҳияларидан бири бўлган Арабнажин номли ҳудудда таваллуд топиб, буюклар сафидан ўрин олган Самарқанд Суғидидан бўлган Ахмад ал – Арабнажний (яъни араблик – деган маънени беради – А.Ш) вафоти хижрий 369, мелодий – 979 йиллар бўлиб, унинг тўлиқ номи – Абу Бакр Ахмад ибн Мухаммад ибн Мусо ибн Рижоъ ибн Ҳанаш ал – Арабнажийдир. У

Ханафийлик мазхабига мансуб бўлиб Ҳадис ривоят қилган. У зот фикх илми билимдони бўлиб Арабнажнийда қозилик қилиб қўплаб ривоятлар, ҳикоялар яратган алломадир.

Самарқандлик Арабнажийлик яна бир аллома, у ҳам бўлса – Муҳаммад ибн Қути ибн Усмон ибн Абдулоҳ ибн Осим ибн Ҳалид ибн Қурра ибн Мушриф ал – Ҳамадоний ал – Арабнажий бўлиб, у зот кўп асарлар ёзган, аммо бизгача етиб келмаган, қизиқарли ривоятлар, ҳикоялар айтган, халқ севиб эшитган, меҳр – оқибатли адолатпеша, халқни севган фозил инсон бўлиб, ҳижрий – 293 йили вафот этиб, туғилган йили аниқ бўлмади.

Самарқандга яқин бўлган бир қатор қишлоқларда таваллуд топиб буюк сиймолар даражасига етган қуйидаги олиму – уламолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишга тўғри келади.

Улардан бири Аҳмад ал – Асбаскасий (Абу Ҳамид Аҳмад ибн Ҳамид ибн Бакр ал- Асбаскасий бўлиб, у Самарақандга яқин қишлоқда таваллуд топиб (туғилган йили, вафоти аниқ эмас – А. Ш) юқсан илмга маънавий маданиятга эга бўлган, ҳадис илмини эгаллаб, ҳадис ривоят қилган таниқли уламолардан бири бўлган.

Самарқандга яқин қишлоқлардан бирида таваллуд топиб олимлик даражасига етган зотлардан яна бири у ҳам бўлса Солиқ ал –Ҳазоъий ал – Истоний (Истон номли қишлоқдан – А. Ш) бўлиб, асли исми, фамилияси Абу Шуъайб Солиҳ ибн Умар ибн ал – Аббос ибн Ҳамза ибн Амру ибн Аъян ал – Ҳазоъий ал – Истоний бўлиб, у зот таниқли уламолардан бири бўлиб, ҳадис ривоят қилган, халқ иззат – хурматига эга бўлган, халқни, ватанини севган илмли олим бўлган.

Унинг яқин дўсти, биродари бўлган, бир даврда яшаб ижод қилган олимлардан яна бири Исо ал – Ҳазоъий ал – Истоний нисбати билан танилган Исо ибн Умар бўлиб, у ҳам ҳадис илмини билган, ривоят қилган, халқ ичида обрў – эътиборга эга бўлган сиймолардан бири бўлган.

Самарқандга яқин ҳудудлардан бири-иштихонлик қуйидаги олимлар халқ ичида машҳур бўлган сиймолар бўлиб, улардан бири Муҳаммад ибн Матто ал – Иштихонийдир, у Ҳижрий 388 йили Иштихонда вафот этган. Унинг асли исми – шарифи Абу Бакр – Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Матто ал Иштихоний бўлиб, нихоятда кучли билимга, юқсан маънавий – маданиятга, фикх илмидан кенг тафаккурий тушунчага эга бўлиб, ҳадисдан ривоят қилганлар. У зот Имом ал – Бухорийнинг “ал – Жомиъ ас – Саҳиҳ” (“Ишончли тўплам”) китобини мукаммал билиб, ундан ҳадис ривоят қилган йирик сиймолардан бири бўлган. Унинг ватандошларидан бири Наср ибн ал – фатҳ ибн Аҳмад ал – Иштихоний нихоятда билимдон, талантли ва қобилиятли олим бўлиб, Ҳ асрларда Иштихон ҳудудида фаолият кўрсатиб машҳур имомлар ва Уламолардан ҳадислар ривоят қилган, халқпарвар Уламолардан бири сифатида танилган улуғ зот бўлган.

Яна бир қатор олиму – уламолар, замонасининг илғор маънавий – маърифат намоёндалари сифатида танилган Самарқанднинг шимолий – ғарбий қисмида жойлашган ҳозирги Катта-Кўргон туманига қарашли Андоқ

сой номли қишлоғидан чиққан Ал – Ҳасан ал –Андоқий ва Мұхаммад ал – Андоқийлардир. Улар Х – асрларда яшаб ўтган буюк зотлардир.

Ал – Ҳасан ал – Андоқий Абдухолиқ Фиждувонийлар ғоясини илгари сурган Ислом тасаввуф таълимотини мукаммал билган зот бўлиб, унинг нисбаси ал – Ҳасан ибн Али ибн Сабъ ибн Наср ал – Бақрий ас – Самарқандий ал Андоқий деб аталиб, Самарқанд ва Андоққа нисба берилиб, “Ибн Абдулҳасан” ва “ас - Сибоъий” номлари билан халқ ўртасида танилган буюк Сиймодир.

Мұхаммад ал – Андоқий эса туғилган йили аниқ әмас, ҳижрий 370 йилда вафот этган. У нихоятда эшитиш қобилияти кучли бўлиб хотираси кенг бўлган, ҳадисни мукаммал билиб халқ ўртасида кенг ҳадис ривоят қилган Мұхаммад ибн ал – Ҳасан ибн Мұхаммад ибн Наср ибн Сабоъ ад – Дехқоний ал – Андоқий номи билан танилган йирик олим – уламолардан биридир.

Хозирги кунда Мустақил Ўзбекистон Республикаси таркибидаги Навоий ва Самарқанд вилоятларига туташ бўлган Андоқ қишлоғи нисбаси билан ном олган, ўтмишда турли йиллар ва асрларда яшаб ижод қилиб, кўплаб маънавий бойлик меросини қолдириб кетган буюк зотлар кўп бўлган.

Улардан бири Абдулкарим ал – Андоқий хижрий 400-481 нчи, милоддий 1009-1088 йилларда яшаб ўтган ҳадис ва фикҳ илмининг билимдони, комил инсонийлик фазилатларини ўзида намоён этган, ўз даврининг машҳур маърифатпарвари, парҳезмижоз инсон бўлган. Унинг набираси Ҳасан ал – Андоқий, уни ал – Ҳасан ибн ал – Ҳусайн ал – Андоқий ҳам деб аталиб, у хижрий 460-552, милоддий – 1068-1157 йилларда яшаб ўтган йирик олим бўлган. У зот замонасининг нафақат тасаввуф таълимотининг йирик намоёндаси, балки фикҳ илмининг йирик билимдони бўлиб қолмасдан, ўз даврининг ёшларини – пири – муридларини, тарбиялашнинг йирик намоёндаси сифатида танилган йирик тарбиячи – педагогик – олими ҳам эди. У ёшларни (муридларини) ҳам ўрта ёшдагиларни ҳам, умуман мўмину – мусулмонларни тарбиялаш учун яхши, кенг маъно – мазмунга эга бўлган тариқат усулига эга бўлган. У зот аллоҳ йўлида фидойи инсон бўлиб, Исломнинг ҳамма рукнларига қатъий риоя қилган, суннага эътиқодда бўлган Имом Юсуф бин Айюб ал –Ҳамадоний издошлиаридан бири бўлиб, у билан Хоразм ва Бофодод сафарларида Юсуф Ҳамадонийга ҳамроҳ бўлган, чексиз ирода ва қобилият эгаси бўлган, комиллик даражасига эришган буюк сиймолардан эди.

Самарқандга яқин қишлоқда туғилиб комиллик даражасига етган, ҳижрий 368 йилда Самарқанд шаҳрида вафот этган олим – Али ибн ал – Ҳасан (Абул Ҳасан) ибн Наср ибн Ҳуресон ибн Абдуллоҳ ибн Толҳа ибн Қайс ибн Саъолаба ибн Малик ибн Ҳешан ал – Қайсий ал – Бобидастонийдир. У зот ислом оламининг таникли, обрў – эътиборли, фозиллик хислатига эга бўлган фақихи бўлиб, нафақат ҳадис ривоят қилиш, балки узлуксиз ва доимо ҳадис излаш билан шуғулланиб юрган, яхши ва кенг мазмунли асарлар ёзган, фикҳ илмининг мохир билимдони бўлган. Унинг ёзган асарлари бизгача етиб келмаган.

Самарқанд шаҳар маҳаллаларидан бирида яшаб, ижод этган (бу маҳалла номи “Дарвозаи Кас” деб аталган) йирик олим Иброҳим ибн Исмоил ибн Жаъфар ибн Довуд ибн Юсуф аз – Зоҳидий ал – Бобуқисий бўлиб, у ҳижрий 257 ёки 259 йилда туғилиб мелодий 871 ёки 873 йилда вафот этган.

Самарқанд вилоятига қарашли Дабусия нохиясга қарашли (Ҳозирги Пахтачи тумани) Бутанин қишлоғидан бўлган Жаъфар ал – Бутаниний – яъни Жаъфар ибн Муҳаммад ибн Баҳр ал – Бутаниний ва Ал – Қосим ибн Жаъфар Муҳаммад ибн Баҳр ал – Бутанийлар бўлиб, улар ота – бола (яъни Ал – Қосим Жаъфар ал – Бутанийнинг ўғлидир) билимдон, илмли халқ севган ва иззат – хурматига сазовор бўлган уламолардан бири бўлиб, ҳадис ривоят қилган, улардан эса кейинги уламолар ҳадис ривоят қилган комиллик даражасига эришган IX –X асрларда яшаб ижод қилган олиму – уламолардан бўлган сиймолардир.

Умуман олганда, юқорида таъкидланган, халқимизнинг севимли фарзандлари бўлган зотларнинг рўйхатларини қўплаб келтириш мумкин. Чунки ҳозирга қадар қадимда буюк сиймолар бўлиб, халқ ўртасида танилган зотларнинг қўплари бизгача етиб келиб тўлиқ ўрганилмаганлар сони қўпчиликни ташкил этади.

У зотларни ўрганиш, улардан намуна олиб, ёшларни тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб вазифасидир.

Бу эса мустақиллигимизнинг 20 йиллик юбилейига бўлган юксак совғамиз бўлади.